

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

185 Улгуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ
тўловини бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда
тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил
17 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2065-3*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 7 январдаги 2, 2010-1, 39/4-сонли қарори (рўйхат рақами 2065, 2010 йил 14 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 1-2-сон, 15-модда) билан тасдиқланган Улгуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 16-бандидаги «Таълим» деган сўз «Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2014 йил 11 апрель,
31-сон

Р. АЗИМОВ

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2014 йил 11 апрель,
2014-16-сон

Б. ПАРПИЕВ

Марказий банк раиси

Тошкент ш.,
2014 йил 11 апрель,
315-В-3-сон

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.